

CURRENT ISSUES OF LAND AND WATER USE IN NAMANGAN REGION

S T Abdurahmanov.

Head of the Department of Ecology

D I Isokov.

He is a doctoral student at Namangan State University

Annotation. Analysis of problems in the use of land and water resources in Namangan region and the measures taken.

Keywords. Land, water, soil, area, acres, farming, irrigation, drinking water, reclamation.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДА ЕР - СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

С.Т.Абдурахманов. Экология кафедраси мудири

Д.И.Исоқов. Наманган давлат университети таянч докторанти

Аннотация. Наманган вилоятида ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда юзага келатган муаммолар ва олиб борилаётган чора тадбирларнинг таҳлили.

Аннотация. Анализ проблем в использовании земельных и водных ресурсов Наманганской области и принимаемых мер.

Калит сўзлар. Ер, сув, тупроқ, майдон, гектар, деҳқончилик, суғориш, истеъмол сувлари, мелиорация.

Ключевые слова. Земля, вода, почва, площадь, сотки, сельское хозяйство, орошение, питьевая вода, мелиорация.

Бугунги кунда барчамизга маълум бўлишича, Республикаимизнинг мавжуд майдонларида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичи бир оз суст ҳолатда олиб борилмоқда. Бу икки унсур Республикаимизнинг барча ҳудудларида тарқалган бўлиб, асосан аҳолиси зич жойлашган майдонларда ер ва сувдан фойдаланиш даражаси ачинарли ҳолатга келиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони¹ бунга яққол мисол бўла олади. Бунда асосий бажарилиши керак бўлган ишлар аниқ белгилаб берилган: Хусусан, “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини амалга ошириш бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»”, 2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Ер ресурсларини асраб авайлаш, ундан самарали фойдаланиш борасида амалга ошириладиган ислохотлар ва уларнинг натижаларини олиб қарайдиган бўлсак, ҳамма замонда ҳам ер масаласи, ердан самарали ва мақсадли фойдаланиш давлат сиёсатида энг муҳим бош масалалардан бири бўлиб келган. Бунинг оддий ҳақиқати барчамизнинг тирикчилик манбаимиз, ишлаб чиқариш воситамиз ва яшаш маконимиз эканлигидадир. Бугунги кунда республикаимизнинг жами ер майдони 44,9 млн. гектарни ташкил этиб, шундан қишлоқ хўжалиги ерлари 20,2 млн га (45 %)ни ва шундан 4,3 млн.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони;

гектари ёки 9,5 фоизи суғориладиган экин ер майдонларини ташкил этади ҳамда ушбу ерлар республикамининг “олтин фонди” ҳисобланади.

Бундан келиб чиққан ҳолда республикамининг суғориладиган ерлар алоҳида муҳофаза этилади. Республикамининг мустақилликка эришганидан сўнг аграр соҳасини янада ислоҳ қилиниши, ерга бўлган мулк ҳуқуқини ўзгариши шароитида ер ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунга мувофиқ:

❖ мустақилликнинг дастлабки даврларида республикамининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини тадбиқ этиш мақсадида собиқ колхоз ва совхозлар босқичмабосқич тугатилиб, унинг базасида янги мулкдорлар синфи - фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Республикамининг суғорма деҳқончилик ҳамда суғориладиган экин майдонлари чекланганлиги шароитида мулкчиликнинг ижара шакллари ва шартномавий муносабатларга асосланган хўжалик юритиш тизими ташкил этилди.

❖ фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланилишини таъминлаш, ернинг экологик ҳолатини яхшилашга қаратилган замонавий инновацион ва ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, фермер хўжаликларининг молиявий ва иқтисодий ҳолатини мустаҳкамлаш мақсадида фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонлари мақбуллаштирилди.

❖ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек мелиорация ишларини ташкил қилиш мақсадида 2007 йилда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 5742-сонли Фармони² қабул қилинди. Мазкур Фармон билан қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепцияси ҳамда 2020-2030 йилларда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

2030 йилгача жами 1 млн. 111 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самаадорлигини ошириш, бунда йиллар давомида фойдаланишдан чиқиб кетган 298 минг гектар суғориладиган ерларни қайта ўзлаштириш, 813 минг гектар лалми ва яйлов ерларда фойдаланиш самарадорлигини ошириш белгилаб берилди. Шунингдек, суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини махсус муҳофаза қилиш, экин ерларни камайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида ушбу ерларни турли хил қурилиш учун фақат Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан рухсат этилиши қаттиқ белгилаб қўйилди. Маълумки, шу кунгача амалдаги қонунчиликка мувофиқ сувли экин ерларни ноқишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун туман ва вилоят ҳокимлари томонидан ажратиб келинар эди.

Шунингдек, ирригация-мелорация тармоқларини тиклаш, реконструкция қилиш, сув тежайдиган технологияларни жорий этиш ҳамда сувсизликка чидамли экинларни экиш орқали фойдаланишга киритиш учун инвестициявий шартнома ёки давлат-хусусий шерикчилик асосида ижарага фойдаланиш ҳуқуқи билан берилиши белгилаб берилган.³

Юқоридаги таҳлилларга мос равишда Фарғона водийсининг шимолий қисмини эгаллагн Наманган вилоятида ҳам бундай муаммолар талайгина. Вилоятда ер-сув ресурсларига бўлган талаб даражаси био оз юқори эканлиги билан ҳарактерланади. Бунинг боиси шундаки, вилоят аҳосининг аксарияти табиий ҳолатда олиб қарасак тоғолди ҳудудларида истиқомат қилади. Аҳолининг сийрак қисми эса текислик ва чалачўл ҳудудларида жойлашган. Шуни таъкидлаш жоизки, ер ва сув ресурслари доимо намлик таъсирида юқоридан пастга томон ҳаракатланиб келган. Айтмоқчи бўлган муаммо эса, вилоятнинг юқори қисмида ўзлаштирилган ерлага берилган сув ва ерга солинган

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 5742-сонли Фармони

³ <https://toshvil.uz/>. 16.10.2019

кимёвий ўғитларнинг маълум бир қисми вилоятнинг қуйи қисми томон ҳаракатланади. Бунинг оқибатида эса шўрланиш ва касалланиш ҳоллари вужудга келади. Вилоятга берилаётган ортиқча сув таъсирида бугунги кунда Поп ва Мингбулоқ туманларидаги ҳолатларни кўришимиз мумкин. Яъни, сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгариши, аҳоли сонининг ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсиши, уларнинг сувга бўлган талабининг йил сайин ошиб бориши туфайли сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга кучайиб бормоқда.

Фойдаланилган ўртача йиллик сув миқдори 51 - 53 млрд м³ ни ташкил этиб, унинг 97,2 фоизи дарё ва сойлардан, 1,9 фоизи коллектор тармоқларидан, 0,9 фоизи эса ер остидан олиниб, ажратилган сув олиш лимитига нисбатан 20 фоизга қисқарган. Шу сабабли бугунги кунда сув ва сув ресурсларидан фойдаланиш натижасида юзага келаётган муаммоларнинг сабабини аниқлаш ва уларни бартараф этиш муҳимдир.

Наманган вилоятининг шўрланган майдонлари айниқса Мингбулоқ туманида яққол кўзга ташланади. Туманда шўрланиш Ҳоразм, Фарғона, Гулистон массивларида бўлиб, шўрланиш даражаси 95% дан юқоридир. Қолган майдонларда эса шўрланиш кўрсаткичлари 44 % дан 80 % гача кўтарилган. Таъкидлаш лозимки, бу рақамлар келажак учун хавfli рақамлардир.⁴ Бу вилоят учун биргина мисол бўлди. Лекин, ер-сув ресурсларида фойдаланиш ўта даражада ёмонлашганлигини дарёбўйи ҳудудларида жойлашган аҳоли мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Чунки, Наманган вилоятидаги бу ҳудудлар тоғолди ҳудудлари ҳисобланиб, бу майдонларга берилган ҳар қандай сув ва кимёвий ўғитлар миграцияси абатта текисикка томон ҳаракат қилади. Натижада текисликдаги суғориладиган майдонлардан олинган сув ва тупроқ намуналарининг ҳолати био оз қониқарсиз натижа билан фарқланади.

⁴ Д.Исоқов. Экономика и социум. №7 (86) 2021. SALINIZATION OF CROP FIELDS IN NAMANGAN REGION AND ITS CONSEQUENCES. 52 с.т.

Наманган вилояти Мингбулоқ туманида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг 2019 йилдаги шўрланиш даражаси

Масс ивлар номи	Суғориладиган ер майдони, га	Шўрланиш даражаси бўйича										Жаъми шўрланган ерлар		Ўртача, кучли ва жуда кучли шўрланган ерлар		
		Шўрланмаган		Кучсиз		Ўртача		Кучли		Жуда кучли				Жаъми суғориладиган майдонларга нисбатан	Жаъми шўрланган майдонларга нисбатан	
		га	%	га	%	га	%	га	%	га	%	га	%	га	%	%
Хоразм	320 1,0	148 .2	4,6	636, 5	19, 9	238 9,9	74, 7	26, 4	0, 8			305 2,8	95 .4	241 6,3	75, 5	79,2
Истикбол	434 9,0	110 3,1	25, 4	949, 1	21, 8	215 4,1	49, 5	82, 62	1, 9	60, 1	1,4	324 5,9	74 .6	229 6,8	52, 8	70,8
Наманган	248 7,0	726 .9	29, 23	764, 2	30, 73	813, 7	32, 72	92, 0	3, 70	90, 2	3,6 3	176 0,1	70 .8	995, 9	40, 0	56,6
А.Навоий	281 2,7	156 3,4	55, 58	435, 10	15, 47	261, 90	9,3 1	63, 80	2, 27	488 .50	17, 37	124 9,3	44 .4	814, 2	28, 9	65,2
Гигант	418 0,0	834 .2	19, 9	166 7.4	39, 9	143 7,6	34, 4	137 .6	3, 3	103 .2	2,5	334 5,8	80 .0	167 8,4	40, 2	50,2
А.Темир	275 4,0	844 .3	30, 66	153 3,54	55, 68	243, 8	8.8 5	132 .39	4, 81			190 9,7	69 .3	376, 2	13, 7	19,7
Гулбоғ	727 5,1	249 1,0	34, 2	300 9,50	41, 4	160 8,0	22, 1	120 .0	1, 7	46, 60	0,6	478 4,1	65 .8	177 4,6	24, 4	37,1
Гулистон	521 5,2	403 .2	7,7	104 5.8	20, 1	329 4,5	63, 2	395 .8	7, 59	75, 9	1,4 6	481 2,1	92 .3	376 6,3	72, 2	78,3
Фарғона	247 9,0	95, 9	3.9	743, 8	30, 0	147 0,2	59, 3	120 .6	4, 8	48, 5	2,0 0	238 3,1	96 .1	163 9,3	66, 1	68,8
Жами :	347 53,0	821 0,1	23, 62	107 85,0	31, 03	136 73,7	39, 35	117 1,2	3, 37	913 .0	2,6 3	265 42,9	76 .4	157 57,9	45, 3	59,4

[3]. Д.Исоқов. Экономика и социум. №7 (86) 2021. SALINIZATION OF CROP FIELDS IN NAMANGAN REGION AND ITS CONSEQUENCES. 52 с.т

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, инсон ва ер-сув ресурслари бу заминда абадий бир бири билан узвий боғлиқдир. Инсоният пайдо бўла бошлаганидан буён ер ва сувнинг табиий ҳолати ҳозирги давргача манфий ҳолатга томон йўналмоқда. Албатта бунинг сабаби шундан иборатки, инсоният кўпайиб, аҳоли жон бошига тўғри келадиган майдон ўзгармаслиги керак эди. Эндиликка келиб эса, инсоният бутун ер юзини эгаллаб бўлди. Энди бу майдонлар албатта кичиклашади. Натижада кичик майдондан катта натижа олиш учун кураш авж олади. Акс ҳолда ер-сув ресурсларидан фойдаланиш даражаси шу йўсинда бораверса оддийгина ичимлик сувини ҳам филтраб истеъмол қиладиган ҳолатга ҳам етиб келамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5742-сонли Фармони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 5742-сонли Фармони
3. <https://toshvil.uz/>. 16.10.2019
4. Д.Исоқов. Экономика и социум. №7 (86) 2021. SALINIZATION OF CROP FIELDS IN NAMANGAN REGION AND ITS CONSEQUENCES. 52 с.т.